ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор
Баҳодиров Асилбек Отабек ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 317-ўқув гуруҳи курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширишдаги ўрни ва ваколатлари таҳлил қилинади. Мақолада зўравонликнинг келиб чиқиш омиллари, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш механизмлари ҳамда оилавий низоларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш йўллари ёритилган.

Калит сўзлар: Профилактика инспектори, оиладаги зўравонлик, виктимология, профилактика, жабрланувчи, хавф гуруҳи.

Аннотация: В данной статье анализируется роль и полномочия инспектора по профилактике в осуществлении виктимологической профилактики правонарушений, связанных с домашним насилием. В статье рассматриваются факторы, способствующие возникновению насилия, механизмы защиты жертв, а также пути повышения эффективности системных мер, направленных на раннее выявление и предотвращение семейных конфликтов.

Ключевые слова: Инспектор по профилактике, домашнее насилие, виктимология, профилактика, жертва, группа риска.

Оиладаги зўравонликка қарши кураш ва унинг олдини олиш бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг энг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. Жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини кафолатлашда профилактика инспекторлари зиммасига катта масъулият юклатилади. Хусусан, зўравонликка мойил оилаларни аниқлаш, жабрланувчи шахсларни ҳимоя қилиш ва хавф омилларини бартараф этишда виктимологик ёндашувнинг аҳамияти тобора ортмоқда.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда ҳам инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият сифатида эътироф этилган бўлиб, уни ҳеч қандай тарзда камситишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган. Жумладан, Конституциянинг 26-моддасида қуйидагилар қайд этилган:

Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас[1].

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга, болалар орасида назоратсизликнинг ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга, шунингдек ногиронлиги бўлган болаларни ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига дахл қилувчи жиноий қилмишлар учун мутаносиб санкциялар белгиланмаган, хотин-қизларни шилқимлик ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари мавжуд эмас, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордернинг амал қилиш муддати (ўттиз кун) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини бермайди, алиментларни тўламаганлик учун жазо сифатида жарима солиниши янада кўпроқ молиявий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Бундан ташқари Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) идоралараро комиссияларининг фаолияти ислоҳ этилиб, улар тегишинча Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) комиссиялари этиб қайта ташкил этилди.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси қонунларига хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий соҳада ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга оширишида қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солувчи қонунчиликни халқаро

стандартлар асосида такомиллаштиришни назарда тутувчи, шунингдек болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўювчи ўзгартишлар киритилмоқда [2].

ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИК ТУШУНЧАСИ

Оиладаги зўравонлик – бу ижтимоий жараён бўлиб, ҳар тўртинчи оилада у ёки бу кўринишда намоён бўлади. Болалармиз, аёллармиз, қариялармиз ва ногиронлиги бўлган шахслар мазкур жиноятдан энг кўп азият чекадиган тоифадир. Тадқиқотларга кўра, оиладаги зўравонликка учраган аёлларнинг 60-70 фоизи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмайди.

Миллатимиз болажон халқ, оилам, фарзандим деб тинмай меҳнат қилади. Айниқса ўзбек аёли фарзанд ва оиласининг фаровонлиги учун ҳар қандай қийинчилигу, азоб-уқубатларни енгиб ўтишга тайёр. Бироқ андишанинг отини қўрқоқ қўйиб, оилада аёлларга, оиланинг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламига нисбатан зўравонлик қилиш жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Хўш оилавий (маиший) зўравонлик ўзи нима? Оилавий зўравонлик деганда – инсонга нисбатан унинг яқин одами томонидан тажовузкор муносабатда бўлиш, куч ишлатиш тушунилади. Одатда бундай тажовузкорлик жисмонан (калтаклаш), жинсий, руҳий босим (қўрқитиш, ҳақорат қилиш, назарга олмаслик) ёки иқтисодий (топилган пул, моддий манбаларни назорат қилиш ва улар орқали босим ўтказиш) йўли билан амалга оширилади.

Оддий қилиб айтганда, оилавий зўравонлик бу–оиладаги муносабатларнинг бузилишига қарамай, бир шахснинг оиланинг иккинчи шахсига қарам бўлганлиги оқибатида унинг босим ва зўравонликларга чидаб келишидир.

“Оила аъзолари” тушунчаси кенг тушунча бўлиб, унинг таркибига нафақат қондош ёки қонуний қариндошлар, балки бирга яшовчилар (жинсий шериклар, ўгай ота, ўгай она ва бошқаларни) ҳам киритиш мумкин [3].

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда инсон хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири — бу виктимологик профилактикадир. Амалдаги қонунчиликда виктимологик профилактика жабрланувчига айланиш хавфини камайтиришга қаратилган махсус чора-тадбирлар мажмуаси сифатида белгиланган. Жумладан, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»[4] ги ЎРҚ–371-сон Қонуннинг 43-моддасида қуйидагича таъриф берилган:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидир.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази Васийлик кенгашининг:

Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика марказини тугатиш;

Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази негизида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази (кейинги ўринларда — Республика маркази) ва унинг ҳудудий бўлимларини ташкил этиш;

Мавжуд 197 та Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказларини оптималлаштириш ҳисобига 29 та Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика, ҳудудий ва туманлараро намунали марказлар (кейинги ўринларда — марказлар), шу жумладан, 1 та Республика маркази, 14 та ҳудудий марказлар ва 14 та намунали туманлараро марказларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилдисин.

2. Марказлар бошқарув ходимларининг чекланган сони 63 нафар, шу жумладан марказий аппаратда 7 нафар этиб белгилансин.

Белгилансинки, ҳудудий марказларда бухгалтерия хизматлари мавжуд штат бирликлари сақлаб қолинган ҳолда тугатилади ва мазкур марказларга молия-бухгалтерия хизматлари Республика марказида марказлаштирилган тартибда кўрсатилади [**5**].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” [**6**]ги ПФ-5325-сонли Фармонига асосан, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва

болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақил изланувчи Ҳ.Қ. Бабаханов ўз мақоласида қуйидагича фикр билдирган, “оила-турмуш муносабатлари ўзининг маълум бир доирасига эга, бу доира, аввало, никоҳ, қон-қариндошлик, оилавий ришталар ёки маълум бир сабабларга кўра, бир-бирлари билан боғланган бир гуруҳ шахсларнинг шахсий муносабатларга киришиши билан тавсифланади. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги шахслар томонидан бирбирига нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этилиши “оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарлик ҳисобланади” [7].

Ҳудудларда “Фуқаробай” ишлаш тизимида жойлардаги муаммоларни хал қилишнинг яхлит ва таъсирчан, тезкор ҳамда жадаллаштирилган янги шакли ва усули, унинг тузилишини яратишга хизмат қилиши зарурлиги белгиланди. Аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва ижтимоий ҳимояга мухтож фуқаролар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нуронийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари таркибиди Хотин-қизлар масалалари бўйича бўлимлар ва “Хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар” лавозими жорий этилиб, улар фаолият юритиб келмоқда

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.

2. Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2023 йилдаги « Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-829-сон. Қонуни,

3. Оиладаги зўравонликлар оқибати. https://hidoyat.uz/24642/

4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.05.2021 йилдаги “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5116-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.

7. Қадамович Б. Ҳ. и др. НОТИНЧ ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ //PEDAGOGS INTERNATIONAL RESEARCH JOURNAL. – 2025. – Т. 94. – №. 1. – С. 22-25.